



THE CONCEPT OF INHERITANCE IN ISLAMIC LAW

Sevara Saidova

International Islamic Academy of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: saidovasevara6@gmail.com

ABOUT ARTICLE

Key words: Faraiz, inheritance law, legacy, Quran, Sunnah, fiqh.

Received: 10.12.24

Accepted: 12.12.24

Published: 14.12.24

Abstract: This article examines the features of the concept of inheritance in Islamic law and its significance in legal systems. The foundations of inheritance science, its evidences, and practical implications are thoroughly described.

МЕРОС ТУШУНЧАСИНИНГ ИСЛОМ ҲУҚУҚИДА ЎРГАНИЛИШИ

Севара Сайдова

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: saidovasevara6@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Фароиз, мерос ҳуқуки, ворислик, Қуръон, суннат, фикх.

Аннотация: Мақолада мерос тушунчасининг ислом ҳуқуки асосидаги ўзига хос жиҳатлари ҳамда унинг ҳуқуқий тизимлардаги аҳамияти таҳлил қилинган. Мерос илмининг асослари, унинг далиллари ва амалий аҳамияти ҳақида муфассал маълумотлар тақдим этилган.

ПОНЯТИЕ НАСЛЕДСТВА В ИСЛАМСКОМ ПРАВЕ

Севара Сайдова

Международная исламская академия Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

E-mail: [сказалаевасевара6@gmail.com](mailto:sказалаевасевара6@gmail.com)

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Фараиз, право наследования, наследство, Коран, Сунна, фикх.

Аннотация: В статье рассматриваются особенности понятия наследства в исламском праве и его значение в правовых системах.

Описываются основы науки наследования, её доказательства и практическое значение.

Дунё давлатлари қонунчилигига мерос ва у билан боғлиқ муносабатлар ҳар доим алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Инсон ҳаёти давомида турли ҳақ-хукуқларга эга бўлади, ўзига хос мажбуриятлар шунингдек турли даражадаги мол-мулкга эгалик қиласди. Лекин вафот этиши билан бу жавобгарлик тугайди мол-мулки эса мерос сифатида бошқа инсонлар тасарруфига ўтади. Мерос сўзи араб тилида вариса (ورث) сўзининг масдари бўлиб, инсон яқин кишиси вафот этганида унинг мулкига эгалик қилишини англатади. Мерос бу марҳумдан ворисларга қолган мулк. Мерос марҳумнинг мулк хукуқи бошқа ашёвий хукуқлар, ақлий фаолият (кашфият, ихтирочилик, муаллифлик) натижаларига бўлган алоҳида хукуқлар, шунингдек, бу хукуқлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни ҳам ўз ичига олиши мумкин. Дунё давлатлари қонунчилик тизимида мерос ва ворислик сўзлари бир хил ўринда фойдаланилади.

Ворислик бу вафот этган шахс (мерос қолдирувчи) хукуқ ва мажбуриятларининг ўз меросхўрларига ўтиши. Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ, мерос хукуқи – мулкка нисбатан ворисликдир, ворисликнинг эса васият ва қонун бўйича амалга оширилишидир.

Ворислик хукуқи - фуқаролик хукуқининг институти сифатида вафот этган шахснинг хукуқ ва мажбуриятлари бошқа шахсга ўтиши билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солади. Ворислик барча хукуқ тизимларида мулкни эгаллашнинг алоҳида усули ҳисобланади.

Ворислик хукуқи иккита асосий - васият эркинлиги ва оила манфаатларини муҳофаза қилиш тамоилларидан ташкил топали.

Ислом хукуқи дунёнинг кенг кўламда ривожланган хукуқий тизимларидан бири сифатида, узоқ муддатли тараққиёт босқичларини босиб ўтиб, барча ислом халқларининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида унутилмас из қолдириб келган.

Ислом хукуқи шарқ халқлари ва ислом маданияти эришган буюк қадриятлардан ҳисобланади. У нафақат диний муаммоларни, балки мўмин мусулмонларнинг бутун турмуш тарзини ҳам ўз ичига олади. Тарихида IX асрдагача диншунослик ва фалсафа илмий салоҳиятга эга бўлган бўлса, IX асрдан бошлаб, филология, тарих, география каби фаннинг яна бошқа кўплаб соҳалари ўзларининг илмий нуфузларига эга бўла бошладилар. Барча соҳалардаги ўзгаришлар диншуносликка ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Чунки бу даврга келиб, соҳа таркибиға киравчи хукуқшунослик фикҳ (فیکه) илми номи билан мустақил фан сифатида шаклланди.

Фиқҳ илми мусулмон давлати бўлмиш халифаликнинг тарих майдонинга келиши, исломнинг пайдо бўлиши билан ривожланмаган. Пайғамбар (с.а.в.) ҳаётлик вақтида юзага

келган муаммоларни уларнинг ўзлари ечиб берганлар. Аммо уларнинг вафотларидан кейин тўрт ҳалифа ва машхур соҳабалар, тобеинларга мурожаат қилинганд.

Ислом фиқҳи ривожланиш жараёнида бир қанча қўшимча соҳалар юзага келишига сабабчи бўлган. Фиқҳда усул (اصول) ва фуруъ (فُرْعَوْعْ) қисми бўлиб, улар ўз навбатида бири қанча соҳаларга бўлинганд. Ана шундай илмлардан бири фароиз илми хисобланади. Фароиз (فرض) илми мерос тақсимотига, мерос хукуқига бағишланган фиқҳнинг алоҳида йўналиши бўлиб, унда вафот этган кимсанинг мол-мулкини меросхўрларга оят, ҳадис ва фуруъий фиқҳга асосланган ҳолда шаръий йўл билан тақсимлашнинг назарий ва амалий томонлари ўрганилади.

“Фароиз” сўзи “(فرض)” сўзининг кўплиги бўлиб, ўлчов, кесиб олинган ва баён қилинганд амаллар маъносини англатади. Мероснинг “фарз” деб аталиши эса унда мерос ўлчаш шариат томонидан кесилган иш эканлиги, ҳар бир меросхўрнинг ҳаққи аниқ кўрсатилгани учун шундай номланган.

Мерос илмини фароиз деб номланишига Абдуллоҳ ибн Ос (р.а.)дан ривоят қилинганд ҳадис далил бўлади. Расулуллоҳ (с.а.в.):

“Илм уч хилдир, ундан бошқаси фазлдир: муҳкам оят, қоим суннат ва одил фарийзат” деганлар. Мазкур ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.) шаръий илмларнинг ўзаги учта эканлиги, муҳкам оятдан мурод Қуръони карим, қоим суннат Набий (с.а.в.)нинг суннатлари ва одил фарийзат эса меросни адолат билан тақсим қилиш эканлиги хабарини берганлар. Мерос илмининг Қуръон ва Суннат илмларидан кейинги учинчи илм бўлиши унинг нақадар аҳамиятли илм эканлигини кўрсатади.

Фиқхий тушунча бўйича, фароиз мархумнинг ортидан шаръий ворисга қолган мол ва хукуқларга мерос дейилади. Мерос илмининг асосий далил ва хужжатлари Қуръони карим, суннат ва ижмоъдан олинган. Бу илмда қиёсга ўрин қолмаган. Мерос илмининг самараси ва фойдани бу уни ўрганган инсон меросни ҳақдорларига тақсим қилиш малакасига эга бўлади. Бу илм мутахассисини “Фароизий” (فرضی) деб номланади.

Уламолар наздида фароиз илми илмларнинг энг улуғи ва энг савоблироғи саналади. Бунга сабаб у Қуръоний илм, ўзгармас қолипга эга бўлган асосдир. Аллоҳ фароиз илмини баёнини ўз зиммасмга олган бўлиб, бу ҳақда Қуръони каримда ҳар бир меросхўрга улушларини белгилаб берган.

“Фароиз-с-Сирожия” асарида фароиз илми баён қилинганда у инсоннинг иккита ҳолатидан бирга тегишли илм эканлиги айтилган. У икки ҳолат бу тириклик ва ўлим ҳолати бўлиб, ислом шариатидаги барча илмлар инсоннинг тириклик ҳолати билан бўғлиқ бўлса, фароиз илми унинг ўлим ҳолатига алоқадор хисобланган. Бундан ташқари, илмни иккига бўлинганд бўлиб, улар ихтиёрий ва зарурий илм эканлиги, фароиз ҳам айни шундай зарурий

илем сирасига киритилганды. Бунга далил қилиб, Расулулох (с.а.в.)нинг фароиз илмини ўрганиш ва ўргатишликка қаратилган ҳадис келтирилади.

Мерос илмининг ғояси – қолдирилган меросни ҳар бир ҳақ эгасига ўз ҳақкени, шаръий белгиланган улушини етказишидир. Мерос илмига Аллоҳ таолонинг ўзи асос солгандир. Мерос илми тарихнинг турли даврларида инсонлар учун аҳамиятли мавзу бўлган. Мерос бу мулкнинг кўчишлиги сабабидан бўлади. Ислом таълимотига кўра мулк мерос қолдирувчидан вафот этганидан кейин меросхўрларга ўринбосарлик йўли билан шариат ҳукмига кўра кўчади. Жоҳилия даврида мерос муносабатлари ўзига хос кўринишида бўлган. Мерос тақсимланишида оиланинг энг каттаси меросхўр бўла олган ва фақатгина эркаклар мерос олиш ҳуқуқига эга бўлган. Бундан ташқари, бу даврда ўғил тутиниш одати ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра тутинган ўғил меросга энг ҳақдори ҳисобланган. Бунда асли бегона бўлган тутинган ўғилнанг меросхўр бўлиши ижтимоий муносабатларни бўзилишига олиб келган. Аёллар ва ёш болалалар жоҳилия даврда мерос олмаган. Бунга сабаб уларнинг урушларда қатнаша олмаганлиги ва уй таъминотини қила олмаганлигини сабаб қилиб кўрсатилган. Исломнинг илк йилларида бир қанча вақт мерос масаласида арабларнинг ўз одатлари бўйича яшашларига тўсиқ қўйилмаган, кейин секин аста ислом ўғил тутиниш масаласини бекор қилган. Ислом шариатида мерос қариндошлиқ ва эр-хотинлик муносабатларига кўра тақсимланадиган бўлди. Бу низомга кўра аёллар ва ёш болалар ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга бўлди. . Бундан ташқари қул озод қилиш сабабидан ислом жоҳилият услубини бекор қилди.

Ислом динида фароиз илмини ўргатишга катта аҳамият берилган. Хусусан, Абу Ҳурайра (р.а.) дан ривоят қилинган ҳадисда Росулулох (с.а.в.) фароиз илмининг фазилати ҳақида шундай деганлар: "Эй Абу Ҳурайра! Фароизни ўрганиб, уни ўргатинглар, зоро у илмнинг ярмидир. Ва у менинг умматимда биринчи бўлиб унутиладиган ва биринчи бўлиб олинадиган нарсадир".

Олимлар наздида бу ҳадисдан мурод икки ҳил бўлиб, биринчиси бу башорат яъни Расулулох (с.а.в.)нинг бу илем вақт ўтиши билан унутилиши, бунга сабаб инсонларнинг бу илемга лойик бўлмасликлари сабабли бўлиши келтирилади. Набий (с.а.в.) бошқа илмларга бу қадар кучли тарғиб қилмагналар. Бу илем ҳалол-харомга ва бирорнинг ҳақкенин тўғри ажратишга боғлиқ бўлган аҳамиятли илмдир.

Уқба ибн Омир (р.а.) айтади: "Гумон қилувчилар (пайдо бўлмаси)дан олдин илем олининглар!", яъни гумон билан гапирадиганлар (пайдо бўлмаси)дан. Уқба ибн Омир (р.а.) яқинда илем борасида гумон билан гапирадиганлар кўпайиб кетишини, бундайлар ҳаммани чалғитмай туриб, ҳақиқий илем эгаларидан таҳсил олиш кераклигиди айтади. Ушбу илмлар жумласига фароиз илми ҳам киради.

Бир одам вафот этгач, ортидан қолган мол-мулк, молиявий ёки молиявий бўлмаган хукуқлар тариқа (﴿رَكْعَة﴾) дейилади. Одамнинг вафотидан кейин қолган ҳар қандай нарса фуқаҳолар жумхури истилоҳида тариқа деб ноланади. Марҳумнинг зиммасида қарз бўлиши ёки бўлмаслигининг ёки унинг зиммасида айний ёки шахсий қарзлар бўлишининг ҳам фарқи йўқдир. Вафот этган кишидан қолган тариқа яъни меросга бир неча ҳақлар боғлиқ бўлади:

Биринчи навбатда, бир мусулмон одам вафот этганидан сўнг унинг тарикаси ҳисоб қилиниб, биринчи галда уни дағн қилиш ҳаражатларига ажратилади. Маййитни йувиш, кафанлаш ва дағн қилишга меросдан сарфланаётганда тежаб иқтисод ҳам қилинмайди ва ортиқча исрофга ҳам йўл қўйилмаслиги керак. Кафанлик эркак кишига учта аёл кишига эса бешта қисмдан иборат бўлади. Бу ҳаражатлар учун кетадиган молларда меросхўрларнинг ҳақлари бўлмайди.

Иккинчи навбатда, марҳумнинг зиммасидаги бандалар томонидан талаб қилинадиган қарзлар тарикадан тўланади. Мухаммад (с.а.в.) сўзларига кўра, марҳумнинг қарзи тўланмай туриб, меросхўрлар ўртасида мерос тақсим қилинмайди: “Мўминнинг қарзи адo қилинмагунча унинг руҳи қарзига боғланиб тураверади”.

Қарзлари бўлса, уларга ҳам маблағ ажратилади. Бандалардан бўлган қарзи молиявий тамонлама ҳал қилинади. Аммо марҳумнинг Аллоҳдан закот, кафорат ва назрлар каби молиявий қарзлари бўлса, ҳанафий уламолари наздида бу қарзлар тарикадан адo қилинмайди. Аммо жумхурнинг наздида ушбу қарзлар ҳам мерос тақсимотидан олдин адo қилиниши лозим.

Учинчи навбатда, қарз масаласидан кейин васият масаласига ўтилади. Агар васият қилинган маблағ миқдори меросга қолган молнинг учдан бирига ёки ундан оз миқдорига тенг бўлса, васиятга амал қилинади. Агар учдан биридан кўпини васият қилган бўлса, васият ўтмайди. Мана шу учдан биридан ортиғи меросхўрларнинг ҳақи бўлади. Васият шаръий бўлиши керак. Марҳумнинг молиявий васиятларига сарф қилинади. Васият сўзи луғатда “етказиш” маъносини англатади. Ислом таълимотида васият қилувчи бу дунёдаги яхшилигини охиратига ҳам етказади. Васият шариат бўйича, ўлимдан кейин қўшимча ҳақ сифатида ихтиёрий садақа тайин қилиш ҳисобланади. Васият фақат молнинг учдан бирига тенг бўлиб у фақат уни васият қилган кишининг вафотидан кейин амалга оширилади.

Исломнинг аввалида ота-она ва яқин қариндошлар фойдасига васият қилиш амалда бўлган. Мерос оятлари нозил бўлиши билан қолган молни меросхўрлар орасида оят асосида тақсимлаш жорий қилинган. Васият эса мандуб (مندوب) яъни шариатда амал қилиш тавсия этилган, аммо мажбурий бўлмаган амал бўлиб, миқдори қолган молнинг учдан бири миқдоридан ошмаслиги керак. Агар васият ундан ортиқ бўлса ва меросхўрлар шунга рози

бўлсалар васият амалга оширилади. Сўнгра ундан қолган мол меросхўрлар ўртасида мерос улушлари бўйича тақсимланади. Бирор нарсанинг айнан ўзи васият қилинган бўлса шундай бўлади, аммо васият умумий бўлса, масалан “учдан бири” ёки “тўртдан бири” деб васият қилинган бўлса у ҳолда бундай васиятни бажариш мерос тақсимлашдан олдинга кўйилмайди, бироқ васият қилинувчи бу суратда меросхўрларга шерик бўлиб, агар қолган молнинг миқдори ошса унинг улуши ҳам ошади, агар камайса унинг улуши ҳам камаяди.

“Албатта, Аллоҳ таоло (мерос борасида) барча ҳақдорларнинг ҳаққини белгилаб бергандир. Меросхўрлар учун васият қилинмайди”.

“Фатавойи оламгирия” асарида васиятга ажратилган алоҳида боб бўлиб, у фароиз китобига киритилмаган ва у 10та мавзудан иборат.

Мол-мулкини кимгадир васият қилиб қолдириш ҳам шаръян жоиз амал. Яъни бир инсон вафот қилишидан аввал меросхўрларидан бирига вафотидан кейин қолган мулкидан васият қилиши мумкин. Аммо унинг ҳам бир қатор талаб ва қоидалари мавжуд бўлиб, улар қуидагилар:

Мулкдор одам ўзининг мерос молидан кимгадир васият қилишига мажбур эмас. Фақиҳлар бу масалани мустаҳаб амал деганлар. Яъни васият қиласаса ҳам гуноҳкор бўлмайди. Васият қилиши ёки қиласлик мулк эгасининг ўз ихтиёридаги иши.

Мулкдор одамнинг ўз молидан васият қилиши меросхўрларидан бошқа одамларнинг номига адo қилинади. Чунки меросхўрларга мерос молидан белгиланган улуши бордир.

Агар майит шу каби васиятни тайинлаган бўлса ҳам у васият бажарилмайди. Чунки гуноҳ ва маъсиятга қаратилган васиятлар амалга оширилмайди.

Васият қилинган мулк миқдори марҳум қолдирган мулкнинг $\frac{1}{3}$ қисмидан ошмаслиги керак.

Марҳум мулкининг ҳаммасини меросхўрларидан бошқага васият қилган бўлса ва бу ишга унинг меросхўрлари рози бўлсагина мазкур васият тўлиқ амалга оширилади. Аммо меросхўрлар рози бўлмасалар ҳам мулкнинг $\frac{1}{3}$ қисми айтилган ўринга топширилади. Бу борада меросхўрларнинг рози ёки норозилиги эътиборга олинмайди. Айни шу масалада васият қилинган мулк, ўз эгасига топширимаса уни олган одам гарчи марҳумнинг меросхўри бўлса-да бироннинг ҳақини ўзлаштириб олган ҳисобланади. У мулкни тасарруф қилиш ушбу меросхўр учун ҳаромдир.

Васиятни ижроси марҳумнинг бўйнидаги қарзлари ўз эгаларига етказилганидан кейин амалга оширилади.

Агар васият қилувчи мулкини ношаръий, ножоиз жойларга васият қилса, унинг васияти эътиборга олинмайди ва бажарилмайди.

Агар меросхўрлар рози бўлса васият қилинганидан қўпроғини ҳам ўз ихтиёrlари билан, савоб умидида, ҳайрли ишларига сарфлашлари мумкин. Бунга далил Пайғамбар (с.а.в.) ҳузурларига Саъд ибн Абу Ваққос келиб ўз молларини ҳаммасини садақа қилиш ҳакида васият қилмоқчи эканларини айтганларида Пайғамбар (с.а.в.) рухсат бермаганлар. “Ярминичи?” деб сўраганларида ҳам изн бермадилар. “Учдан бириничи?” деганларида у зот “учдан бирига майли, аслида учдан бири ҳам кўп” дедилар. “Сендан кейин меросхўрларингни бой, беҳожат ҳолларида қолдириб кетмоғинг, уларни одамлардан тиланиб борадиган ҳолларида қолдириб кетмоғингдан яхшидир”, деганлар. Ҳар ким вафотидан кейин муаммо туғилишига кўзи етса, уни тириклигида молу давлатини хоҳлаган инсонига ҳадя қилиши даркор. Кишини тириклигида бергани ҳадя бўлади, ўлганидан кейин сенга ёки фалончига дейиши васият бўлади. Лекин васиятга аталган мол-мулк меросхўрларга ўтмайди. Бегоналарга бериш учун айтган васияти ўтади. Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда Набий (с.а.в.): “Албатта, бир эркак ёки аёл 60 йил Аллоҳнинг тоатида амал қиласи, сўнгра икковига ўлим ҳозир бўлур ана шунда заарли васият қилиб қўйиб, иккисига дўзах вожиб бўлур” дедилар ва “Қилинган заар етказмайдиган васият ёки қарздан” сўнг оятини қироат қиласидар”. Заарли васият бу ўз меросхўрларига зарар етказадиган васият қилиш мусулмон киши учун ҳаром. Юқоридагилардан қолгани ворисларга шаръий мерос қилиб тақсимланади.

Энг сўнгидаги марҳумнинг кўмиш харажатлари, қарзи ва васиятидан ортиб қолган моли меросхўрларга бўлиб берилади. Мерос тақсимоти шартлари ва бошқа масалалар тадқиқотнинг II ва III бобларида ёритилган. Ислом динидаги мерос масаласи бугунги кунда мавжуд бўлган маҳаллий ва халқаро хуқуқий тизимидағи ворислик масаласидан анчагина фарқ қиласи. Бунга сабаб улар таянган манбалар ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ворислик хуқуқи. Амалий қўлланма. Тошкент: – 2017 –Б. 170.
2. Мең А. Мусульманский ренесанс. –М.: Наука, 1973. –Б. 147.
3. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва Ҳаёт:Фароиз ва васиятлар. -Т.: Ҳилол нашр. 2015. -Б.301
4. Ал-маварис фил фиқхил исламий. -Қ.: 2002. -Б. 302
5. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Фароиз ва васиятлар китоби. -Тошкент: Шарқ, 2005. -Б. 297.
6. Олтин Силсила. Саҳиҳул Бухорий. 8 жуз. -Т.: Ҳилол нашр, 2018. -Б. 430..
7. Шайх Муҳаммад Али Собуний. Ислом шариатида мерос илми. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф таржимаси. Т.,: Ҳилол нашр, 2022. –Б. 268.
8. Фатавойи Оламгирия” (الفتاوى العالىمكيرية). Шайх Низомиддин Бурхонпурый. -Б.: Дорул кутуб илмийя. -2000. -Б. 510